**Emro Science and Education**
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 1 (2023) · "Axborot oqimlari va intellektual tizimlarning ijtimoiy, iqtisodiy va texnik-texnol... DOI: 10.5281/zenodo.24318399

*materiallar to'plami*

# АГРОСАНОАТ КЛАСТЕРЛАРИ ТИЗИМ СИФАТИДА

**Урдушев Хамракул, Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети "Ахборот технологиялари" кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди**

**Аннотация.** Мақолада агросаноат мажмуида кооперация, интеграция ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кластерлаш жараёнларининг моҳияти ва аҳамияти хақида сўз боради.

**Калит сўзлар.** Агросаноат мажмуаси, кооперация, интеграция, тизим, кластер, иштирокчилар, омиллар, оптимал, моделлар, оптимал ечимлар.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини кластерлаш 2017 йилдан бошланди [1]. Ўзбекистонда 2017 йилда 2 та қишлоқ хўжалиги кластери фаолият кўрсатган бўлса, 2019 йилда 220 тани, 2022 йилга келиб уларнинг умумий сони 633 тани ташкил этган. Бугунги кунга келиб мамлакатда 134 та пахта-тўқимачилик, 200 та ғаллачилик, 249 та мева-сабзавотчилик, 42 та шоличилик, 8 та дориворчилик йўналишида кластерлар самарали фаолият юритмоқда [2]. Чорвачилик йўналишдаги кластерларнинг умумий сони 205 тани ташкил этади.

Портер томонидан 1998 йилда чоп этилган "Рақобат (On Competition) асарини "Кластерлар ва рақобат" номли 7-бобида кластернинг таърифи "кластер нима" деган саволга аниқ жавоб тарзида берилади: кластер ёки саноат гуруҳи - бу маълум бир ҳудудда фаолият юритадиган ва умумий фаолият билан ажралиб турадиган ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи географик жиҳатдан бир-бирига боғланган компаниялар ва тегишли ташкилотлар гуруҳи [10]. Ўрганишлар, кластернинг жуда кўп таърифлари мавжуд эканлигини кўрсатади [3-9]. Уларнинг аксарияти кластерларни аниқлашга ва қолганлари эса кластернинг турларига оиддир. Кластерни аниқлашга оид таърифлари: "кластерлар-корхоналар, ташкилотлар, компаниялар, фирмалар гуруҳлари сифатида; кластерлар - тармоқ сифатида; тизим сифатида кластерларни ташкил этиш" каби тушунча ва хусусиятларини қамраб олади.

Кластерлар мавзусида ёритилган аксарият тадқиқотларда ҳар бир муаллиф(лар) ушбу ҳодисага ўз таърифини беради. Бозор шароитида агросаноат мажмуасида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш келиб чиқиши жиҳатидан хилма - хил бўлган - ташкилий, иқтисодий, табиий, меҳнат ва бошқа омиллардан фойдаланишни талаб қилади. Бу омиллар орасида ташкилий ва иқтисодий омиллар устувор аҳамиятга эга бўлиб, уларга биринчи навбатда кооперация-интеграция муносабатларини келтириш мумкин. Кооперация, интеграция ва улар билан агросаноат маҳсулотларини "*ишлаб чиқариш - қайта ишлаш ва сақлаш - сотиш*" занжири бўйлаб хўжалик юритувчи субектларнинг кластерлашуви бизнес-режаларда белгиланган кўрсаткичларга эришиш учун ресурслар ва мақсадли ишлаб чиқарувчиларни жамлаш имконини беради. Бунинг сабаби шундаки, кооперация, интеграция ва кластерлаштириш, аслида,



Published: 10.11.2023

**Cite this article:** Урдушев Хамракул (2023). Агросаноат кластерлари тизим сифатида. Emro Science and Education, 1(1). https://doi.org/10.5281/zenodo.24318399

*© 2023 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.*

ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш ва иқтисодий имкониятларни амалга ошириш учун кўплаб имкониятларни ўз ичига олади.

Шу билан бирга, янги шароитда агросаноат мажмуи соҳасидаги иқтисодий маконнинг барқарор ишлаши ташкилотнинг ички ва ташқи омилларини ҳисобга олган ҳолда бошқарувнинг яхлит тузилмаларини шакллантириш ва фаолият кўрсатишига адекват ёндашувларни ишлаб чиқишни, агросаноат ишлаб чиқаришини инновацион қўллаб-қувватлашни талаб қилади, шунингдек рақобатбардош кооператив ва интеграция тузилмаларининг мавжудлиги ва тарқалиши, агросаноат стратегияси ва сиёсатининг самарадорлиги, ҳуқуқий ва дастурий таъминот, шу жумладан, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари, миллий агросаноат мажмуасининг халқаро интеграция жараёнларига кириши ва бошқаларни тақозо этади. Шу муносабат билан тадбиркорлик субъектларининг кооперацияси ва интеграцияси ҳамда турли хўжалик юритувчи субектларнинг ишлаб чиқариш имкониятларини горизонтал ва вертикал равишда мустаҳкамлашга, бозор ноаниқлиги шароитида иқтисодий фаолиятни барқарорлаштиришга, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни кўпайтиришга қаратилган кластер тузилмаларини яратиш тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Бундан ташқари, хорижий тажриба шуни кўрсатадики, кластерлар ташкил этилган минтақалар ва ҳудудлар барқарор ривожланиш суръатларига эга бўлиб, кластер ташкилотларининг афзалликлари фаолиятнинг барча соҳаларида намоён бўлмоқда. Хўжалик юритувчи субъектлар кластерларга бирлаштирилганда, ишлаб чиқариш таркиби оптималлаштирилади, ресурслар устувор йўналишларга тўпланади, ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар модернизация қилинади ва ноишлаб чиқариш харажатлари минималлаштирилади.

Рационал ихтисослашув, асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришни мақсадга мувофиқ жойлаштиришга асосланган миқёснинг таъсири (масштаб эффекти) юзага келади. Натижада кластерлар кўплаб рақобатдош устунликларни шакллантиришни таъминлайдиган ишлаб чиқариш, инвестиция ва малака капиталининг кооперацияси ва интеграциясининг энг самарали шаклларидан бирига айланмоқда. Қайд этиш лозимки, кластернинг барча иштирокчилари алоҳида функцияларга эга бўлишига қарамай, умуман олганда улар қуйидаги технологик элементларни бирлаштирган тизимни ташкил этадилар: рақобатбардош ва талаб қилинадиган моддий ва номоддий товарлар ишлаб чиқариш - ишлаб чиқариш жараёнини ресурсларнинг оптимал таркиби билан таъминлаш – истеъмол бозорини юқори сифатли ва хавфсиз маҳсулотлар билан таъминлаш - истиқболли ривожланиш учун зарур техник технологик базани шакллантириш - инвестициялар ва инновацияларнинг зарур ҳажмини яратиш - барқарор узоқ муддатли фаолият учун иқтисодий ва ижтимоий шартшароитларни шакллантириш - етказиб берувчилар ва истеъмолчилар, шу жумладан ҳокимият органлари билан кластер муносабат (алоқа)ларини ташкил этиш [11].

Хулоса сифатида шуни қайд этиш лозимки, кластерларнинг иқтисодий тизимида турли хил маъмурий марказлар (ишлаб чиқариш, етказиб бериш, сотиш ва бошқалар.) шакллантирилади, уларнинг ҳар бирида ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этиш, ресурслардан фойдаланиш ва уларни қоплаш (тўлаш), инновацияларни шакллантириш ва ҳоказолар тўғрисида қарор қабул қилиш жараёни амалга оширилади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Khamrakul Urdushev, Majid Mavlyanov, Sirojiddin Eshankulov. (2020). ISSUES OF CLUSTERING AGRICULTURE IN UZBEKISTAN. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. ISSN: 2249-7137 Vol. 10, Issue 10, October 2020. Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13. DOI: 10.5958/22497137.2020.01261.6. 1180-1192 pp. https://saarj.com. https://saarj.com/wpcontent/uploads/ACADEMICIA-OCTOBER-2020-FULL-JOURNAL.pdf
2. Урдушев, Х., Мавлянов, М., Эшанкулов, С. и Розиева, Г. (2023) “Агрокластеры и место цифровых технологий в их развитие”. *Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук / Actual Problems of Humanities and Social Sciences*, 3(6), сс. 115–125. doi: 10.47390/SP1342V3I6Y2023N15
3. Хамракул Урдушев, Маджид Мавлянов, Сирожиддин Эшанкулов. Кластерлар қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликда хўжалик юритиш фаолиятини замонавий усуллари сифатида. Samarkand branch of Tashkent State Agrarian University Theoretical and practical foundations of introducing smart agriculture in Uzbekistan. Volume 4 | SamTSAU Conference | 2023. https://cyberleninka.ru/article/n/klasterlar-ishlo-h-zhaligi-va-chorvachilikda-h-zhalikyuritish-faoliyatini-zamonaviy-usullari-sifatida
4. Khamrakul Urdushev; Khudaynazar Yunusov; Sirojiddin Eshankulov. (2021). Analysis of the Current State of the Economy of Fruit and Vegetable Clusters in Uzbekistan. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding (IJMMU). ISSN 2364 - 5369. Volume 8, Issue 5, May, 2021. Hamburg, Germany Pages: 321 - 329. https://ijmmu.com/index.php/ijmmu/article/view/2673
5. Урдушев Х., Эшанқулов С., Мавлянов М.Т. (2022). Кластерлар интеграциялашган тузилма сифатида. Veterinariya va chorvachilikda innovatsion texnologiyalarni ishlab chiqarish va joriy etishning istiqboldagi vazifalari” nomli xalqaro ilmiyamaliy konferensiyasi materiallari. Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti, 2022 yil. https://sciencebox.uz/index.php/tibbiyot/article/view/4801/4328
6. Urdushev , Kh. and Eshankulov, S. (2021) “The role of fruit and vegetable clusters in the development of agricultural sectors”, Society and Innovation, 2(3/S), pp. 301–315. doi: 10.47689/2181-1415-vol2-iss3/S-pp301-

315. https://inscience.uz/index.php/socinov/article/view/663/863

7. Урдушев, Х., Эшанкулов, С. (2021). Роль плодоовощных кластеров в развитии отраслей сельского хозяйства. Общество и инновации. 2, 3/S (апр.

2021), 301–315. DOI:https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss3/S-pp301-

315. https://inscience.uz/index.php/socinov/article/view/663

8. Khamrakul Urdushev. (2021). About Formation of Agrarian Clusters in

Uzbekistan. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding

(IJMMU). http://dx.doi.org/10.18415/ijmmu.v8i11.3222 ISSN 2364-5369, Vol 8, No

11, November 2021.Hamburg, Germany Pages:409-415. Impact Factor: SJIF

2021=6.862. https://ijmmu.com/index.php/ijmmu/article/view/3222

9. Khamrakul Urdushev, Majid Mavlyanov, Sirojiddin Eshankulov. (2021).

About the state and development of fruit and vegetable clusters in Uzbekistan. Asian

Journal of Multidimensional Research (AJMR).Year : 2021, Volume : 10, Issue:3 First page:(455) Last page:(463).Online ISSN : 2278-4853. Article DOI:

10.5958/2278-4853.2021.00157.9
https://indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:ajmr&volume=10&issue=3&article=073

10. Майкл Портер. Конкуренция.:Пер. С англ. – М.: Издательский дом “Вильямс”, 2005, 2005. – 608 с.: ил. Парал. тит. англ. (Исправленное издание).1) https://studfile.net/preview/909451/page:10/ Глава 7 Кластеры и конкуренция; 2) https://djvu.online/file/YBUn1n9BZ1VA3 Конкуренция. Исправленное издание -

Портер М. – 2005 (Michael E. Porter.On Competition. Harvard Businesss School

Publishing Collection. 1998.)

11.Гусаков Е. Кластеры как система организации эффективного хозяйствования. Аграрная экономика. 2020; (4): 28-33.

https://agreconom.belnauka.by/jour/article/view/407/391